

**5510600 - Саноат фармацияси (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**5510600 - Саноат фармацияси (турлари бўйича)** бакалаврият таълим йўналиши – соғлиқни сақлаш тизимининг, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги йўналиш бўлиб, у ўқув фанлари, воситалари, услублари ҳамда дори воситаларининг таркиби ва технологиясини танлаш ҳамда тайёрлаш, ишлаб чиқариш, сифатини баҳолаш ва стандартлаштириш, кадокдаш, ўраш, ташиш ва сақлашга йўналтирилган инсон фаолияти воситалари, усуллари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, илмий-тадқиқот марказларида, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, ЎЗР ССВ қарашли Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва унинг Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат Маркази, ДУКнинг Фармакология, Фармакопея, Наркотик ва психотроп моддаларни назорат қилиш, Янги тиббий техника қўмиталари ва бошқа таркибий тузилмаларида, “Дори-дармон” АК, дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш корхоналари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ва турли мулкчилик шаклидаги дори воситаларининг чакана ва улгуржи савдоси билан шуғулланувчи фармацевтика корхоналарида сифат назоратига тегишли комплекс масалаларни ечишни ўз ичига олади.

**5510600 - Саноат фармацияси (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- санитария-гигиеник регламент ва меъёрий ҳужжатлар, соғлиқни сақлаш тизимида тегишли дастурлар, стандартлар, илмий мақолалар, тезислар, меъёрий ҳужжатлар, маълумотномалар, ҳисоботлар; тиббиёт асбоб-ускуналари, дори воситалари, муолажалар, ресурслар, воситалар, усул ва услублар мажмуаси; илмий тадқиқот жараёнлари;

- илмий-тадқиқот жараёни.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин*

**5510600 - Саноат фармацияси (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қўидагиларни қамраб олади:**

- дори воситалари ишлаб чиқаришнинг технологик босқичларини бошқариш;  
- техник эксплуатация принципларини тузиш;  
- тизимли ёндошув механизмларини тадбиқ этиш;  
- дори воситалари технологиясини такомиллаштириш;  
- участка, цех, булим технологи ишини ташкил қилиш;  
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;  
- дори воситаларини ишлаб чиқаришда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;  
- янги препапратларни олиш соҳасида намунавий методикалар бўйича тажриба ўтказишга асосланган тадқиқотлар ўтказиш.

**5510600 - Саноат фармацияси (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий-тадқиқот;  
- ишлаб чиқариш;  
- лойиҳавий-конструкторлик;  
- техник воситаларни йиғиш ва созлаш;  
- ташкилий-бошқарув;  
- фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш;  
- педагогик (умуми ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида).